



## ТЕЛЕВИЗИОН ЭФИРДА ҚАҲРАМОН ПЕРСОНИФИКАЦИЯСИНинг ТИЛ УСУЛЛАРИ

**Нилуфар Талибжановна Умирзакова**

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар  
университети мустақил тадқиқотчиси, ЎзМТРК “Ўзбекистон”  
телерадиоканали катта муҳаррири  
[nilufar74.1974@gmail.com](mailto:nilufar74.1974@gmail.com)

**Аннотация:** Мақолада зангори экрандаги телелойиҳаларда эфир нутқининг услугбий жиҳатлари, нутқдаги нотўғри талаффуз оқибатлари таҳлил қилинган. Тилнинг энг муҳим вазифаси ахборот улашиши бўлса, унданда муҳимрогои коммуникатив бўлишида: мулокот, аудитория ва коммуникатор, коммуникатор ва кўрсатув қаҳрамони, журналист ва дастур иштирокчилари, таклиф қилинганлар ўртасида алоқа ўрнатиши ва қўллаб-қувватлашдаги жонли тил услубларининг тенденциялари мисоллар асосида ёритилган.

**Таянч сўзлар:** телевидение, эфир тили, коммуникация, забон, сўз, атама, лингвистика, иштирокчилар, қаҳрамонлар.

## ЯЗЫКОВЫЕ ПРИЕМЫ ПЕРСОНИФИКАЦИИ ГЕРОЯ В ТЕЛЕВИЗИОННОМ ЭФИРЕ

**Нилуфар Талибжановна Умирзакова**

Независимый исследователь университета  
Журналистики и массовый коммуникации  
Узбекистана, УзНТРК, старший редактор телеканала «Узбекистан»  
[nilufar74.1974@gmail.com](mailto:nilufar74.1974@gmail.com)

**Аннотация:** В статье анализируются стилистические аспекты эфирной речи в телепроектах на голубом экране, а также последствия неправильного произношения в речи. Важнейшей задачей языка является обмен информацией, то коммуникативным быть важнее: общение, аудитория и коммуникатор, коммуникатор и герой программы, журналист и участники программы, тенденции языковых стилей в установлении и поддержании общения между героями выделены на основе примеров.

**Ключевые слова:** телевидение, речь вещания, общение, язык, слова, термин, языкознание, участники, персонажи, герои.

Замонавий коммуникациянинг воситаси бўлган тил – нафақат «фикр қуроли», балки инсон ва воқелик ўртасида кўприк эканлигини тушуниш учун шароит яратди. Унинг ўзи ҳам инсон ва унинг дунёсини яратувчи мустақил воқеликдир.



Замонавий телевидение тили бугунги кунда у зиддиятли ва мураккаб характерга эга. Телевидение тилига ижтимоий ўзгаришлар (ўтиш даври, ислоҳатлар), оммавий маданият, постмодернизм, ижтимоий тармоқлар ва бошқа турли омиллар таъсир кўрсатади. Натижада, телелойиҳалар тилига турли хил, ҳатто, кўпинча стилистиканинг бир-бирини инкор этувчи шакллари қоришиб кетади. Турғунлик даврининг ниҳоятда мафкуралашган, шаблонлар туфайли адабий тилдан бир оз узоқлашган ОАВ тили ва услуби пайдо бўлди. Мазкур ҳолатга сабаб, телевизион тилга бошқа миллатлар луғатидан кириб келган сўз ва метафоралардир. С. Шомақсудова тадқиқотларига кўра: «Сўз ўзлаштириш тил тараққиётининг қонуний кўринишидир; ҳалқлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва илмий алоқалар бир тилдан иккинчи тилга сўз ва атамаларнинг ўтиб туришини тақозо қиласди»[1].

Тадқиқотчилар фикрига кўра, телевидение тили қўйидагича тавсифланади:

- сўзларга нисбатан аниқ баҳо берувчи муносабат;
- кўп сўзларни маълум ижтимоий гурухга мансуб шахсга тегишли рамзларга айлантириш;
- оммавий фойдаланишда тил меъёрларига путур етиши;
- сўз бойлигининг қашшоқлашиши, семантик жихатдан эътибордан четда қолган қимматли сўзлар ва фразеологик бирикмалар;
- луғатдаги унутилган сўз ва тушунчаларни қайта тиклаш;
- «қарзга олиш синдроми» (керакли ва кераксиз сўзларни тилимизга ўзлашиши);
- (аббревиатуралар, исмлар) номларда эстетик диднинг йўқолиши;
- тил қонунларининг бузилиши;
- информацион ва эскпресив тил воситаларини ишлаб чиқиш ва апробациядан ўтказиш[2].

Замонавий ўзбек адабий тили серқирра ва омилкор. Миллий ва адабий тил таркибига кирувчи барча меъёрлар маъносини сақлаган ҳолда, ўз фаолиятини давом эттироқда. Асосий миллатни бирлаштирувчи омил оммавий ахборот воситаларининг тилидир, жумладан телевидениени ҳам.

Телеэфир тилининг ҳозирги ҳолати замонавий жамиятда мавжуд бўлган вазиятни акс эттиради, бунинг таъсирида эса социологларнинг фикрича, кундан кун роли ошиб бораётган ўрта синф вакиллари шаклланмоқда[3].

Агар биз адабий тилнинг ривожланиш тенденцияларини кузатсак, жумладан, телевидениеда ҳам, замонавий телевизион нутқ заифлашиш ва соддалашиш арафасида. Бугунги кунда телевидение ўзининг лингвистик мухитида, авваллари, унчалик мухим бўлмаган ва адабий тилдан ташқарида бўлган соҳаларнинг ривожланиши билан тавсифланади. Жаргон, шева каби нутқдаги воситалар қайта ишланади, ўзлаштирилади ва анъанавий нейтрал ва адабий тил билан бир каторда қўлланила бошлайди.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, «Dunyo bo‘ylab» телеканали орқали эфирга узатилган «Янги кунда яна биргамиз» тележурнали мисолида билвосита баҳолаш тавсифланди: аудиториянинг интеллектуал даражасини баҳолаш, мухокамага



қўйилган мавзу бўйича томошабин томонидан берилган саволнинг долзарблиги, ўзига хослиги, асосга эгалиги орқали амалга оширилади: «*Мантиқий савол; Ҳақиқатан ҳам ўзига хос; Бу мавзу қизиқ, баҳслашишига арзийди; Яхши савол; У биз билан эди; Қийин савол; Қанчалар мужсмал савол; Ёқимли сўз ва ажойиб савол; Таклиф аввалига кутимагандек туюлди, сўнг биз жуда қизиқдик*» ва ҳ.к.

Сўнгги йилларда кўрсатув иштирокчиларининг ўзи ижобий баҳолаш обьектига айланмоқдалар. Телелойиха иштирокчиси деганда, аввало дастур қаҳрамони ва студиядаги иштирокчилар, шу билан бирга, қўнгироқ қилган экран ортидаги томошабин назарда тутилади. Мисол сифатида «O'zbekiston» телеканалининг «Ойдин ҳаёт» туркум дастурининг навбатдаги сонларидан бирини[4] таҳлилга тортамиз. 27 июнь Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни бўлгани учун, асосий суҳбатдош сифатида журналистлар таклиф қилинган. Дастур тўғридан тўғри эфирга узатилганлиги боис томошабин телефон орқали студия билан боғланиб иштирок этаётган халқ вакиллари ҳақида фикр билдириб, табриклаб, жойи келса танқид ҳам қилганлигини кузатиш мумкин. Диққатга сазовор жойи шундаки, экран ортидаги фахрий журналистлар билан ҳам телефон орқали боғланиб, студиядаги иштирокчилар уларни табриклиш имкониятига эга бўлдилар.

«Sevimli TV» телеканали орқали эфирга узатиладиган «Sevimli yulduz» кўрсатувининг Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбековга бағишланган сонида хонандалар ва созандалар ижро масаласида ўзлари ва ўзаро бир-бирларини баҳолайдилар. Бу ҳолатда, оғзаки баҳолашнинг икки тури – эстетик ва психологик муносабатнинг эмоционал шакли амалга оширилади: «*Ў, зўр савол; Бу қўшиқларнинг ҳаммаси халқнинг мулкига айланиб кетди; Ҳамиша файзи бор йигит бор; Озод ака шогирдоларини чертиб-чертуб танлайдиларми, ҳаммаси «юлдуз» бўлади; ойнаи жаҳон ортида миллионлар кутишияпти, Озодбекни ўзи ҳам қўшиқ айтадими деб; асосий севимли юлдузимиз; Озодбек акани энергияси бутун зални қамраб олди; ноодатий ёндашув; студияга зиё таратиб ўтирган Зиёда бор; янграсин ўтли нолалар; сеҳрга маст бўлсин мухлислар; Супер!!!*» [5].

Коммуникация иштирокчиларининг ҳатти-харакати камдан-кам ҳолларда баҳоланади ва бу ахлоқий муносабатда акс этиши мумкин: - «*Хозир патини юламиз, энг катта «мошенник» ўзинг-ку, интригант, албатта, бу дўстона ҳазил*»[6].

Фикрнинг ягона маъносини ифодалаш йўллари ва воситалари муаллифнинг қарорига мос равища танланади ва муаллиф аудитория тасаввурида шакллантиришни истаган қаҳрамон образи ҳақидаги нуқтаи назарга мос келади. Ижобий ёки салбий баҳолашда овоз, интонация, мантиқий зарба муҳим роль ўйнайди.

Бизнингча, телевизион дискуссияни позитив йўналтиришда аудитория эътиборини бутун кўрсатувга, қисман кўрсатув қаҳрамонига қаратиш муҳим тактикалардан биридир.

Телевизион тилнинг ўзига хослиги унинг оғзаки равища тақдим этилиши билан белгиланади. Бахтга қарши, бугунги кунда нутқ билан боғлиқ услубий воситалар ва



ранг-барангликдан фойдаланмаслиқ, маъruzачиларнинг ўз нутқини назорат қила олмаслиги, оммавий мулоқотнинг муаммоси сифатида намоён бўлмокда. Экран нутқида кенг тарқалган хатоларга қуйидагилар киради:

- овоз таркибининг мураккаблиги ёки оҳангдаги ўхшаш сўзлар оқибатида талаффузнинг бузилиши (келинг ўрнига келин, турп ўрнига туруп, қурт ўрнига курут);
- маънога нисбатан сўзнинг нотӯғри ишлатиши (масалан, ташриф сўзининг келди ўрнига ишлатилиши. Ташриф – олий мақомга эга шахсларга нисбатан ишлатилади. Масалан, баъзан мактабга ота-оналар келди ўрнига, ташриф буюришиди дегандек. Ёки баҳс сўзини спортчиларга нисбатан куч синашиш ёки мусобақа қилиш маъносига ишлатилиши);
- шаклдан фойдаланишдаги хатоликлар (масалан, каشف қилдилар ўрнига кашифиёт қилдилар; ўқиш ўрнига ўқимоқлик);
- мутаносиблик – сўз биримларида кўплик ва бирликнинг нотӯғри қўлланилиши (20 нафар учувчи ўрнига 20 нафар учувчилар);
- сўзларни оғзаки нутқда қисқартириш ёки соддалаштириш, шевадаги нутқни оммавий нутқ ўрнида қабул қилиш мумкин эмас (исмлар Нилуфарни Нилу, Баҳодирни Баҳо, Севинчни Сева; дим яхши – жуда яхши ўрнига, ашағда – у ёқда ўрнига);
- телевизордаги тилбузарлик (сериаллардаги телефонда сўзлашувлар, масалан Ўқтамни чақириб бера оласизми ўрнига Ўқтамни мумкинми, ишлар яхшими деганда “норм” дейиш).

Телевизион нутқ таҳлили, шубҳасиз, дискурсив ёндашувни талаб қиласди. У янграётган нутқ билан биргаликда гетероген эсктралингвистик омиллардан паралингвистик (имо-ишора, мимика, пластика) омилларни ҳисобга олишни тақозо этади, чунки буларсиз телевизор нутқини тасаввур қилиб бўлмайди[7].

Мутахассис сифатида оғзаки жанрда фаолият олиб борувчи тележурналистлар сўзларнинг талаффузига катта эътибор қаратишлари лозим. Телелойиҳаларда ишлатилган сўзлардаги хатоликлар қимматга тушади, шунинг учун кўрсатувлардаги маъruzачилар, мутахассислар, муаллиф журналистлар, дастур иштирокчилари ва қаҳрамонлари ўз нутқларини назорат қилишлари лозим. Шундагина уларнинг нутқи адабий тил нормаларига жавоб бериб, аудитория томонидан қабул қилинади.

Шундай қилиб, телевидение томонидан қўлланиладиган асосий шартли белги сўз эканлигини эътироф этган ҳолда, алоҳида таъкидлаш керакки, видеоконтент матн компоненти билан экранда намойиш этилаётган образ хусусиятлари билан таъминланган ва тасвиrlанган. Телевизион нутқ аудитория билан мулоқотга киришганда диалог эффективи яратади, бу эса ўз навбатида томошабинларда ишонч уйғотади. Телевизион маълумотларнинг экран билан узвий боғлиқлигига қарамай, видеоқаторнинг кетма-кетлиги воқеалар моҳиятини англатса, телевизион контентдаги семантик юқ кўпинча матнга тушади. Демак, матнга қўйиладиган талаблар – ёрқинлик, аниқлик, англаш учун қулайлик ва қисқалик. Тадқиқотчилар турли жанр ва нутқ конструкцияларини ўзлаштирган телевизион нутқнинг тил воситалари таркибининг ҳар хиллига эътибор беришади.



Сўнгги ўн йилликларда телевидениеда ўз-ўзидан пайдо бўлган, очиқ ва бузилган нуткнинг кенг тарқалганлиги, бу эса адабий тил меъёрларини бузилишига олиб келаётганлигини асосий тенденциялардан бири десак, янглишмаймиз. Телевизион нуткнинг замонавий хусусиятлари орасида қуидагиларга бўлган талабни келтириш мумкин: типик нутқ тизилмалари, шаблонлар, аббревиатуралардан ва қисқартмалардан фойдаланиш, қисқартирилган лугатдан фойдаланиш, шевалар, ўзлаштирилган нутқни ўзиники қилиб олиш.

Журналистнинг маҳорати – қаҳрамон образини яратиш учун экспрессив воситалар композициясини тўғри танлаш, умумий услуб, камера ва микрофон олдида табиий ва самимий нутқ учун шароит яратиш қобилиятига боғлиқлигини аниқладик. Муаллифлик нуқтаи назари туфайли қаҳрамон телекранда «гапиравчи манекен» сифатида эмас, балки жамиятда рўй бераётган ўзгаришларни акс эттирувчи фаол, жонли, реал кўринишга эга бўлади. Қаҳрамон афсона тимсолини эмас, замондош портретини тавсифлаши керак.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Шомақсудова С. Матндаги нутқий бирликлар: ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 2021. – Б. 38.
2. Лабутина В.В. Языковая компетенция современного тележурналиста. Учеб. пособие. – Самара: Изд-во Самарского университета, 2019. – С. 11-12.
3. Караулов Ю.Н. Язык СМИ как модель общенационального языка // Язык средств массовой информации как объект междисциплинарного исследования. Тезисы докладов международной научной конференции. М., 2021. – С.89.
4. «O‘zbekiston» телеканали эфири. «Ойдин ҳаёт» дастури. Муаллиф – Зокирова Н. 27.06.2022. 09:00
5. Sevimli TV эфири. «Севимли юлдуз». Муаллиф – Аслиддинов Н. 08.01.2023. 22:00
6. Zo‘t TV эфири. «Ўғирланган никоб». Муаллиф – Хўжақулов М. 28.05.2022. 22:00
7. Тешабаева Д.М. Медиалингвистика ва таҳрир. – Т.: «O‘zbekiston» НМИУ, 2019. – Б.203.